

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

Илмий-амалий ва назарий журнал

Инновационное развитие в экономике
Научно-практический и теоретический журнал

Innovative development in the economy
Scientific-practical and theoretical journal

2-сон
2021 йил, апрель

2018 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН**

Рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси № 0961, 2018 йил 05 март

ISSN-2181-9475

Таъсисчи - “ИҚТИСОДИЁТ ДУНЁСИ” МЧЖ

©Иқтисодиётда инновацион ривожланиш, 2021.

БОШ МУҲАРРИР:

и.ф.д., профессор Иватов Ирисбек

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ:

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Абдурахманов Қаландар Ходжаевич	(Тошкент ш.),
академик Ғуломов Саидахроп Саидахмедович	(Тошкент ш.),
академик Аимбетов Нагмет Каллиевич	(Нукус ш.),
и.ф.д., проф. Абдуллаев Абдурауф	(Андижон ш.),
и.ф.д., проф. Алиев Яшнаp Эгамбердиевич	(Тошкент ш.),
и.ф.н., доц. Ғадоев Эркин Ғайзиевич	(Тошкент ш.),
и.ф.н., доц. Ғаниев Эркин	(Жиззах ш.),
и.ф.д., проф. Ғойибназаров Баходир Каримович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Дусмуратов Раджапбой Давлатбоевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Иминов Тохиржон Каримович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Қодиров Абдурашид Маджидович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Қосимова Махфират Собировна,	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Махкамова Мамлакат Абдуқодировна	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Мухамадиев Мурод Махаммедович	(Самарқанд ш.),
и.ф.д., проф. Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич	(Самарқанд ш.),
и.ф.д., проф. Солиев Аҳмаджон	(Наманган ш.)
и.ф.д., проф. Тешабоев Тўлқин Зокирович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Тошматов Шухрат Ҳамраевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Тошпўлатова Бибисора	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Тўраев Баходир Хотамович	(Самарқанд ш.),
и.ф.д., проф. Умурзақов Ўктам Пардаевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., доц. Худойқулов Садирдин Каримович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Хушматов Норкул Саъдуллаевич	(Тошкент ш.),
и.ф.н., проф. Хўжақулов Хайтмурат Джавлиевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Шодиев Турсун Шодиевич.	(Тошкент ш.),
ф.ф.д., проф. Ҳакимов Назар Ҳакимович	(Тошкент ш.),
и.ф. PhD, Ҳакимов Ҳакимжон Абдулло ўғли	(Тошкент ш.),
и.ф.н., доц. Ғаниев Шаҳриддин Воҳидович	(Тошкент ш.),
и.ф.н., доц. Якубов Улугбек Косимович	(Тошкент ш.).

МАСЪУЛ КОТИБ: Камилова Санобар Мирджамаловна

Мақолалар рецензия қилинади.

Статьи рецензируются.

Материаллар кўчириб босилаётганда “Иқтисодиётда инновацион ривожланиш” журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририят фикри ҳар доим ҳам муаллифларнинг чоп этилаётган мақолаларидаги фикрлари билан мос келавермайди. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа бўлимнинг барча бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

МУНДАРИЖА

<i>ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ</i>		
Ғуломов С.С.	Интеллектуал капитални ривожланиши шароитида иқтисодиётда инновацион фаолликни ошириш.....	4
Ҳазратов А.П., Шавқиев Э.	Алоқа хизматларининг социал самарадорлигини оширишда рақамлаштиришнинг роли.....	13
Усманов И.А., Буриев Х.Т., Абдуваҳобов Ш.	Корхона раҳбарининг касбий компетенцияси ва жамоа етакчиси сифатида шаклланиши.....	17
Насырходжаева Д.С., Бутабаев М.Ш., Орифжонов И.	Сотрудничество Узбекистана с ЕБРР по развитию транспортного сектора в условиях государственно значимых проектов.....	23
Turdiqulov F.R., Niyozova X.K.	IPO ning inqirozning yumshatish vositasi sifatida.....	32
<i>КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</i>		
Ходиев Б.Ю., Зияев Т.М.	Тадбиркорликни ривожлантиришда кредит ва молиявий қўллаб-қувватлаш.....	36
Орипов М.А. Саиджонова П.Ш.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат бозорини тўйинтиришнинг истиқболлари.....	43
<i>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ, ИННОВАЦИЯЛАР</i>		
Набиев Э.Х.	Иқтисодий ислохотлар негизида хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш.....	49
Хасанов Н.	Развитие маркетинговой деятельности в сфере малого и частного бизнеса	56
Уразов М.М.	Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг фаол жалб қилиниши иқтисодий хавфсизлик омилидир	64
Гульмуродова З.О.	Ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш ва унда очик иқтисодий зоналар фаолияти	68
Maksudov Sh.X.	Sanoat korxonalarini rivojlantirishda tashkiliy – iqtisodiy mexanizm strategiyasini ishlab chiqish.....	73
Мирсолиҳова Н.А.	Иқтисодиётда саноат ривожланишини бошқариш жараёнлари.....	77
<i>СТАТИСТИКА. МОЛИЯ ВА БАНК . БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ</i>		
Миразизова Ш.У.	Аҳоли бандлигидаги ўзгариш тенденцияларининг иқтисодий-статистик тадқиқи.....	83
Бакиева И. А., Ганиева Д. Б	Меҳнат миграцияси ва инсон капиталининг алоқадорлиги.....	90
Муталова Д.М.	Ўзбекистон республикасида солиққа тортишни такомиллаштиришнинг айрим муаммолари.....	97
Муйдинов Э.Д.	Ҳисобот санасидан кейинги ходисалар аудити.....	102
Абдувалиева Ё.Р., Каримов С.Б.	Соғлиқни сақлаш миллий ҳисобларини шакллантиришнинг услубий жиҳатлари	110
Шарипов Б.А.	Ҳудудларда кичик бизнес соҳасини иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг статистик таҳлили.....	116
Салиходжаева У. А.	Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари статистикаси.....	121
Зияев Т.	ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИДАН: Биз билган ва билмаган тарихий ҳақиқатлар.....	130
	Абдурахим Артиқов	139

**И.ф.н., доцент М.А. Орипов,
тадқ. П.Ш. Саиджонова**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТЎЙИНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани қишлоқ хўжалигининг ривожланиши даражасини баҳолаш ҳамда соҳа ривожига таъсир этувчи омил ва мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалигида эришилган натижалар ва истиқболдаги ривожланишга эътибор қаратилган. Туманда бир гектардан олинadиган ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотини 5000 АҚШ долларига етказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозорда рақобатбардош маҳсулот етказиб бериш бўйича конкрет тақлифлар ишлаб чиқилган.

В статье обращено внимание на оценке уровня развития сельского хозяйства Караулбазарского района Бухарской области и используя возможности широкого внедрения достигнутого уровня и перспективы развития сельского хозяйства. В ней отражены разработанные предложения по доведению выпуска валовой продукции сельского хозяйства в районе с одного гектара до 5000 долларов США, увеличения производства продуктов питания и повышения конкурентоспособности продукции на рынке за счет использования факторов и возможностей, влияющих на развитие данного сектора.

The article drew attention to the assessment of the level of development of agriculture in the Karaulbazar district of the Bukhara region and using the possibilities of widespread implementation of the achieved level and prospects for the development of agriculture. It reflects the developed proposals to increase the gross agricultural output in the region from one hectare to USD 5,000, increase food production and increase the competitiveness of products in the market through the use of factors and opportunities that affect the development of this sector.

Калитли сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ривожланиш даражаси, самарадорлик, омил, ихтисослашув, озиқ-овқат бозори, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, истиқболдаги ривожланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти, бозор рақобатбардошлиги.

Қоровулбозор тумани иқтисодиётининг ривожини ва аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боис, истиқболда соҳани янада жадалроқ ривожлантириш зурур. Бунинг учун эса соҳада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган имкониятларни аниқлаб ишга солиш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Олий Мажлисида қилган мурожаатномасида қуйидагича фикр билдирган эди: "...камбағалликни қискартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу-қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинadиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим."

Қайд этиш лозимки, Қоровулбозор туманида 2020 йилда ўртача ҳар бир гектар қишлоқ хўжалик экинлари экилган майдонидан 3305,9АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу республикамизнинг ўртача кўрсаткичидан 165,2 % баландроқ, лекин мазкур кўрсаткични 5 минг долларга етказиш учун эса ҳар бир гектар экин майдонидан олинadиган маҳсулотни 1,5% мартага кўпайтириш зарур бўлади.

Қоровулбозор тумани статистика бўлимининг маълумотларга қараганда, туманда 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 100,6 % ўсган ҳолда 510,5 млрд. сўмни ташкил этган. Таҳлилларга кўра, туманда 2020 йилда 2016 йилга нисбатан (натурада): пахта-112%, дон-106%, картошка-115% ва сабзавот-123% га ишлаб чиқариш ҳажми ўсган. Лекин, Қоровулбозор тумани

қишлоқ хўжалигида 2020 йилда жами барча хўжалик тоифаларида 14732 га майдон экилган, бу 2016 йилга нисбатан 420 гектарга камроқдир. Таъкидлаш жоизки, 2016-2020 йилларда туман қишлоқ хўжалик экинларининг майдони таркибида жиддий ўзгариш юзага келмаган (1-жадвал).

1-жадвал

Қоровулбозор туманида 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалик экинлари майдонининг динамикаси ва таркиби

№	Кўрсаткичлар	Йиллар:					2020 йил 2016 йилга нисбатан
		2016	2017	2018	2019	2020	
1	Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдон, жами гектар	15 152	15 081	14 860	14 711	14 732	97%
6	Дон ва дуккакли дон экинлари	6 492	6 409	6 305	6 242	5 974	92%
11	техник экинлар – жами	5 628	5 625	5 608	5 552	5 406	96%
15	Ёўза	5 625	5 625	5 555	5 499	5 251	93%
19	Картошка	117	117	124	87	35	30%
23	Сабзавотлар – жами	303	432	599	593	407	134%
28	Озиқбоп полиз – жами	280	283	306	303	636	227%
33	Озуқа экинлари – жами	2 332	2 215	1 918	1 899	2 274	98%

Албатта, қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқончилик тармоғининг самарадорлиги биринчи навбатда ердан унумли фойдаланишдан боғлиқдир. Ердан унумли фойдаланиш-ўз навбатида экин майдонларини оптимал жойлаштириш, экин майдонларининг структураси ва экинлар парваришининг илғор технологиясини жорий этишни тақазо қилади. Айни пайтда бу йўналишда миллий деҳқончилик тизимидаги бир қатор ишларни амалга ошириш натижасида кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлар юқори ҳосилдорликка эришмоқдалар. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Йил давомида қилинган машаққатли меҳнат, агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида гектаридан ўртача 50 центнердан зиёд ҳосил олган фермерлар 1 минг 121 тани, 45 центнерлик маррани эгаллаган фермерларимиз 2 минг 130 тани, 40 центнерчилар 7 минг 208 тани ташкил этди. Бу пахтачилик бўйича ўз тажриба мактабини яратаётган фермерлар кўпайиб бораётганидан далолат беради.”

2020 йилда статистик маълумотларига қараганда Қоровулбозор тумани фермер хўжаликлари экилган 5251 гектар ёўза майдонидан ўртача 1 гектардан 22,8 центнер пахта хомашёси етиштирилганлар, туманда ёўзанинг ўртача ҳосилдорлиги 40 центнерчиларга нисбатан 17,2 ц камроқ бўлиб, вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 137,5% марта паст даражада қарор топган.

Қоровулбозор фермер хўжаликларида 2020 йилда 5251 гектар ёўза экилганлигини инобатга олсак, унда туман фермер хўжаликлари бўйича 2020 йилда вилоятнинг ўртача ёўза ҳосилдорлигининг тафовути ҳисобидан бой берилган пахта хомашёси ҳажми 4539,2 тоннани ва 40 центнерчиларга таққослаганда эса мазкур йўқотиш: $17,2 \cdot 5251 = 9031,7$ тонна пахта ташкил қилади.

Айтиш жоизки, туманда ғўзанинг ҳосилдорлиги анъанавий ҳолда паст даражада қарор топган. Бунинг асосий сабаби Қоровулбозор туманидаги тупроқнинг балл бонитетини пастлигидир. Бироқ, Қоровулбозор фермер хўжаликларида картошка, сабзавот, полиз ва чорва озукаси экинлари, узумдан юқори ҳосил олинмоқа.

Шу боис, истиқболда Қоровулбозор туманини дон, полиз, анор ва чорва озукаси етиштиришга ихтисослаштирилган ҳолда ғўза экинини парваришидан тўла воз кечиш яхши самара беради. Қоровулбозор туманининг экин таркибида ғўза майдонини босқичма-босқич камайтириб бориб, 2022 йилдан бошлаб уни майдонларини бошқа экинлар билан алмаштиришга эришиш мақсадга мувофиқдир. Яъни яқин истиқболда Қоровулбозор туманини чорвачилик маҳсулотлари, дон, хўраки полиз маҳсулотлари мева(анор) ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш яхши самара бериш билан бирга фермер хўжаликларини даромадини ошиши ва ердан унумли фойдаланишни таъминлаб, вилоятга полиз маҳсулотларни республикамининг бошқа ҳудудларидан ташишини сезиларли ҳажмда қисқартиради. Бу эса, ўз навбатида Бухоро вилояти аҳолисига нисбатан пастроқ нархларда мазкур туманда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришни таъминлайди. Яъни, маҳсулотларни ташиш масофаси қисқаради ва уларни темир йўл орқали ҳам ташиш имкониятидан фойдаланилиди.

Бунинг учун бизнингча, Қоровулбозор тумани фермер хўжаликлари экин майдонининг таркибини 2025 йилгача қуйидагича ўзгартириш мақбулдир.

2022 йилдан бошлаб Қоровулбозор тумани фермер хўжаликлари экин майдони таркибида ғўза майдони қисқариб, 2023 йилда бу ерларда ғўза умуман экилмай уни ўрнида дон, полиз, чорва озукаси, картошка ва сабзавот экинлари майдонларини кенгайтириш ўз аксини топган. Туманда полиз ва чорва озукаси экинлари майдонинг кескин кенгайтирилишига биринчи сабаб ғўза ҳосилдорлигини пастлиги бўлса, кейингиси Қоровулбозорда ишчи кучининг камлигидир. Чунки, сабзавотларни туманда кўп экилиши, мутаносибан ишчи кучини кўпайтиришни тақозо этади. Биз тавсия этаётган: полиз маҳсулотлари, картошка ва чорва озукасини етиштирилиши унчалик кўп меҳнатни талаб қилмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Қоровулбозор тумани

сув билан нисбатан яхшироқ таъминланган ва тумандаги деҳқонлар полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича бой тажрибага эгадирлар.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Қоровулбозор туманида қишлоқ хўжалигининг экинлар майдонини таклиф этилаётган турли соҳавий ихтисослашувига биноан жойлаштирилиши мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида туманнинг иқлим шароитида юқори даромад келтириши мумкин бўлган экинларни экишга қаратилган бўлиб, тайёрланган прогноз вариантларидан бирини қўллаш хўжалик субъектларининг самарадолик кўрсаткичларини яхшилайд.

Туман экин майдонининг таркибини ўзгартириш билан бир қаторда туман экин майдонларининг тупроғини яхшилаш орқали ҳам экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг катта имконияти мавжуд. Зеро, Қоровулбозор туманидаги экин майдонлари тупроғининг 26 % шўрланмаган, қолган қисми эса мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларига мўхтождир. Шунинг учун истиқболда тумандаги экин майдонлари тупроғини ўрганиб, уни яхшилашга оид конкрет чора-тадбирларни илаб чиқиб амалга оширилиши туман қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини юксалишига асос бўлади. Шунингдек, туман экин майдонларига органик ўғит ва чириндилар киритиш ҳам меъёрдан анча паст даражада қарор топган. Шунинг учун истиқболда туманнинг шўрланган ва ер ости суви кўтарилган экин майдонларида мелиорант экинларни экишни амалиётга кенгрок жорий этиш зарурдир. Бундай чора-тадбир ва агротехник омилларининг туман қишлоқ хўжалигида амалга оширилиш ҳосилдорликни юксалтириш ҳисобидан деҳқонларнинг экин майдонлари

бирлигидан оладиган даромадларини 15% ва ундан кўпроқ ўсишини таъминлаши мумкин.

Қайд этиш жоизки, Қоровулбозор туманида интенсив деҳқончилик омилларида кенг фойдаланиш билан бир қаторда сўғорилдиган экин майдонини кўпайтиришнинг жудда катта имкониятлари ҳам мавжуд.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, 2021-2025 йилларда туман бўйича қум барханлари орасидаги ва чўл ҳудудидаги тексликлар ҳисобидан 15420 гектар ерни илғор суғориш технологияларини жорий этиш орқали ўзлаштириш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Қоровулбозор туманида 2021-2025 йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг истиқбол параметрлари

Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Жами ер майдони	Йиллар:					Кутиладиган натижа
			2021	2022	2023	2024	2025	
Шўрланган экин майдонларини яхшилаш	га	11308	750	3740	4110	1930	779	Туманда экинларининг ҳосилдирлигини 15-20% оширишга эришилади
Фойдаланишдан чиққан ер майдонларини рекультевация қилиш	га	980	80	240	315	345	Х	Туманда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 7-9% ошади
Янги ерларни ўзлаштириш	га	15420	2930	2320	2020	3910	5710	Туманда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 65-70% оширишга эришилади ва янги иш жойлари яратилади
шу жумладан, янги анорзор бунёд этиш	га	10620	-	450	1880	3750	4540	Анор ва анор шарбати экспортга эришилади, янги тармоққа асос солин. ва янги иш жой яратилади

Янги ўзлаштириладиган ер майдонларида анор, қовун, тарвуз, қовоқ ва чорва озукаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим. Чунки, туманда пахта ишлаб чиқаришга нисбатан бу экинларни экилиши ва анор ишлаб чиқариш самаралироқдир. Янги

ўзлаштириладиган ер майдонларида анорзор бунёд этилганида ерни текслаш шарт эмас, фақат анор кўчатини ўтказиш жойини қозиб, тупроқни бойитиб, томчилаб суғориш қувурларини ётқизишнинг ўзи кифоя (1-расм).

Томчилаб суғориш усулида анор етиштириш АҚШнинг Невада ва Калифорния штатларида кенг йўлга қўйилган.

Шунингдек, Қоровулбозор тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қўйида тавсия этиладиган ишларларни амалга оширилиши ҳам соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1) Қишлоқ хўжалигида ер-тупроқ шароитини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ирригация-мелиорация ва бошқа чора-тадбирлар тизимида ҳар бир фермер хўжалиги кесимида: ер майдонининг паспортини янгидан шакллантириб, илмий асосланган ва амалиётда ўз самарасини намоён этган-экинларни алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этишни фермер хўжалигининг йўл харитасига илова қилишни амалиётда жорий қилиш талаб этилади.

2) Тупроқ структурасини яхшилаш ва унинг таркибини бойитиш учун туманда органик ўғитлар, чиринди, шох-шаба, майиший ва айрим саноат чиқиндиларини ишлов бериб, турли хилдаги компост ва бошқа кўринишдаги органик ўғитларни тайёрловчи тизимни шакллантириб, мазкур турдаги товарларни ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашни ташкил этиш яхши самара беради.

3) Туманда 2022 йилда ғўза, сабзавот ва полиз экинлари экиладиган барча майдонда 2021 йил кузидан бошлаб, оралиқ экин сифатида сидерал экинларни экишни йўлга қўйиш лозим. Чунки, тманнинг тупроқ таркиби камбағаллашиб бормоқда. Бу агротехник тадбир-тупроқ таркибида табиий азот, минерал ва микроэлементларни кўпайишини таъминлаш орқали, пахта хом ашёсини ўртача гектардан 4,4 центнерга ўсишини таъминлаши мумкин. Сидерал экинларни қўллаш тажрибаси Ўзбекистон пахтачилиги тарихида ўзининг ижобий натижасини кўрсатган. (СоюзНИХИ маълумотларига қараганда сидератни қўллаш натижасида пахта хом ашёсининг бир гектардан ўртача ҳосилдорлиги: 1962 й.-8,9 ц/га, 1963 й.-3,3 ц/га, 1964 й.-0,8 ц/га ошган. 1962-1964 йилларда сидератларни қўллаш натижасида пахта хом ашёсининг йиллик ўртача ҳосилдорлигининг ўсиши 4,4 ц/га бўлган. (Система ведения сельского хозяйства Узбекистана/ коллектив авторов.Т.: “Фан”, 1973-792с.-184-186 б.) Бундай ўсиш-туманда экиладиган ғўза ялпи майдонидан олинадиган қўшимча ҳосил 2022 йилда: 8,9 ц/га*5251 (2020 й. ҳақиқий экилган ғўза майдони) гектар бўйича 4673,3 тоннадан кўпоқ қўшимча пахта хом ашёси ҳосилни таъминлаши мумкин, дегани. Масалан, сабзавотчиликда рапсдан яшил гўнг сифатида фойдаланилганда, сабзавотларнинг ҳосилдорлиги 40% ошган.

Илгари вилоятимиз туманларида ернинг тиним даврида пахтачилик хўжаликларида оралиқ экин сифатида рапс экилиб, уни “яшил гўнг” сифатида оғдириб, кейин ғўза экилган экан. Албатта, оралиқ экин сифатида рапс экиш- қўшимча харажат, бироқ бу тажриба ҳам табиий, ҳам экологик ва ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўз самарадорлигини исботлаб, синовдан ўтганига кўп йиллар бўлган. Айтиш лозимки, оралиқ озучабоп экинлар орасида кузги жавдар тупроқ таркибидаги вилт касаллиги микдорини бошқа ўсимликларга нисбатан энг кўп камайтиради. У Ўзбекистоннинг иқлимига чидамли бўлиб, гектарига 250—300 центнер кўк поя олиш имконини беради. Пояси витаминга бой. Эрта баҳорда чорва молларининг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини тўла қондиради.

4) Таъкидлаш жоизки, ўсимликчиликнинг ривожини кўп жиҳатдан уруғлик сифати ҳамда уруғчиликни ташкил этишнинг самарадорлигидан боғлиқдир. Шу муносабат билан туманда янги навларни синаш майдончаларини ташкил этиб, танлов асосида

илғор фермер ва деҳқон хўжаликлариди туманда экилаётган экинларнинг уручилигини йўлга қўйиш давр талабидир.

5) Туманда чорва озукаси экин майдонларини етарли бўлмаганлиги оқибати туманда юзага келган чорва озукаси тақчиллигини бартараф этиш мақсадида гидропоника технологияси асосида чорва озукаси ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда айтиш жоизки, туманда ўсимликчиликнинг ноанъанавий яна бир тармоғи аквакультура (сувўтлари) ишлаб чиқаришни ҳам кенг жорий этиш зарур.

Чунки, ҳозир вақтда туманда мавжуд бўлган 6925 га табиий сув ҳавзалари ва зовурларнинг маҳсулдорлиги жуда паст. Тумандаги табиий ҳавзалар ва зовурларни сув таркибини ўрганиб, уларда сувўтларни экиш ҳисобидан балиқ ишлаб чиқаришни 5-6 мартага кўпайтириш, бошқа чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улардан ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли учун зарур бўлган биологик (ёқилғи, дор воситалари...) ва кимёвий воситаларни ҳам тайёрлашни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд. Шу асосда туманда бошқа сув жонворлари (қундуз, нутрия) парваришини йўлга қўйиш имконияти туғилади. Буларнинг барчаси туманда аҳолисини бандлигини ва соҳада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини оширишига хизмат қилади. Энг муҳими сувўтларини ишлаб чиқарилиши кўп харажат талаб қилмайди. Шунинг учун уларни ишлаб чиқарилиши юқори самарадорликка эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони (ПФ-6155 03.02.20).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1331>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори (21 сентябрь 2019 й. 794-сон). // [HTTPS://LEX.UZ/RU](https://lex.uz/ru)
4. Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
5. Қоровулбозор туманининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотнома. Бухоро-2020 йил

**Орипов Махмуд Ашурович – Бухоро Давлат университети
"Иқтисодиёт" кафедраси доценти, и.ф.н., доцент,
Саиджонова Парвина Шухратовна – Бухоро Давлат универс.
"Иқтисодиёт" кафедраси магистри.**

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

Илмий-амалий ва назарий журнал

2

2021 йил, апрель

Муҳаррир: Камилова С.М.

Теришга берилди: 2021й. 26.04. Босишга рухсат этилди: 2021 й. 30.04. Бичими 70x108, 1/16. Офсет усулида ёзув қоғозига босилди. Шартли босма табоғи: 9,0Нашриёт-хисоб табоғи 8,7. Адади 100 нусха.

“Иқтисодиёт дунёси” МЧЖ , 100 000, Тошкент ш.,
И. Каримов кўчаси 49-уй.,
Мурожаат учун телефон: (71) 239-01-12; (94) 694-04-30.

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ МЧЖ босмахонасида чоп этилди.